

Эҳсон тошлари



16:21 / 23.01.2018 6240

Усмонли империяси ҳудудида йўлларда шундай тошлар бор эдики, улардаги ғовакка қўл суққан инсон истаган миқдорда пул олиши ёки садақа қолдириши мумкин бўлган. Ким пул оляпти-ю, ким садақа қиляпти – ҳеч ким билмасди.

Усмонли империясида «Эҳсон тоши» хайрия тизими жуда яхши ишлаб чиқилган эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Ўнг қўлинг берганни чапи билмасин» деган насиҳатларига амал қилган ҳолда хайрия қилмоқчи бўлганлар пулларини олиб келиб йўл четидаги шу тошлар ичига кўрсатмай қўйиб кетишлари мумкин эди. Ёрдамга муҳтож бечоралар эса атрофдагилардан уялмай бемалол у ердан ўз эҳтиёжлари учун пул олардилар. На берувчи ва на олувчи бир-бирини билмасди. Ахир, инсон тош ичига олиш учунми ё солиш учун қўл тикқанини билиб бўлмасди-да.

Одамларда тақво ва масъулият шу даражада кучли эдики, ҳеч ким бу тошлар ичидаги маблағни суистеъмол қилмасди.

Француз сайёҳларидан бири XVII асрда Истанбул ҳақида ёзаркан, бундай тошлар ичида пуллар ҳафталаб ётса ҳам, биров тегмаслигини айтган.

Усмонли империясида вақфлар кенг йўлга қўйилган, одамлар хайрия ишларида фаол иштирок этган бўлишига қарамай, бундай тошлар ҳам йўл четларига қўйиб чиқилган. Одамлар муҳтожларга ва қийинчиликка тушиб қолганларга ёрдам бериш учун жамғармалар очишда бир-бирлари билан пойга ўйнардилар гўё.

Туркиянинг қадамий масжидларида ҳамон шундай эҳсон тошлари сақланиб қолган. Афсуски, улар нима учун қўйилганини энди ҳамма ҳам билавермайди.